

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

7/S-son (4-jild)

**2024**

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ S/7 (4) - 2024*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

Саидов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ходим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулов Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилевич – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

#### 12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Аҳмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Эргашев Икром Абдурасулович – юридик фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

#### 13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохид Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

#### 19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Караматдиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### 22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабобовна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

#### 23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

### ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

### Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

### Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

**07.00.00 – TARIX FANLARI**

*Umurqulov Kamoliddin*

O'ZBEK XALQINING OILAVIY MAROSIMLARINING TARBIYAVIY AHAMIYATI ..... 9-12

*Muhamedov Asror*

G'ARB RENNESANSIGA TURTKI BO'LGAN OMILLAR ..... 13-22

*Jiyanbekova Sharofat Abdikaharovna*

SOVET DAVRIDA KITOV TAQIQLARIGA NISBATAN O'ZIGA XOS SENZURA  
AMALIYOTLARI ..... 23-30

*Сабитова Коринна Сабировна*

ШКОЛЬНОЕ И СРЕДНЕ-СПЕЦИАЛЬНОЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ В  
УЗБЕКИСТАНЕ В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ ..... 31-37

*Vaxabov Azizjon Xamidovich*

USMONIYLAR SALTANATI VA O'RTA OSIYO XONLIKLARINING O'ZARO DIPLOMATIK HAMDA  
ELCHILIK ALOQALARI ..... 38-44

**08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI**

*Xolmuradov Musurmon Avlaqulovich*

MAMLAKATIMIZ TIJORAT BANKLARI AKTIVLARI SAMARADORLIGINI TAKOMILLASHTIRISH  
MASALALARI ..... 45-51

*Madiyev Shaxzod Shodmon o'g'li, Xurramova Zarina Xolboyevna*

QISHLOQ XO'JALIGI ISHLAB CHIQRISHIDA TEXNIK SALOHİYATDAN FOYDALANISHNING  
IQTISODIY MOHIYATI VA NAZARIY ASOSLARI ..... 52-57

*Самадов Салохиддин Исматович*

ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎРНИ..... 58-66

*Хуррамов Азамат Файзуллаевич*

ИНСОН КАПИТАЛИНИ ЖАРАЁН-НАТИЖА ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ТАҲЛИЛИ ..... 67-74

**09.00.00 – FALSAFA FANLARI**

*Sharipov Abdukhakimjon Ziyotdinovich*

YANGI O'ZBEKISTON JAMIYATI TARAQQIYOTI IDEOSFERASIDAGI MA'NAVIY O'ZGARISHLAR  
DINAMIKASI ..... 75-80

*Mustafaev Alimardon Alijonovich*

THE MAIN VECTORS OF THE EVOLUTION OF COMPARATIVE PHILOSOPHY IN THE CONTEXT  
OF CONTEMPORARY CIVILIZATIONAL DEVELOPMENT ..... 81-89

*Mamasaliev Mirzoulug' Mirsaidovich*

"G'ARB MADANIYATIDA SABR-TOQAT KONSEPSIYASINING O'ZGARISHI" ..... 90-95

*Shadmanov Qurbon*

FRENSIS BEKON INDUKTIV USULI VA TA'LIM, TARBIYA VA O'Z-O'ZINI TARBIYALASH  
G'OYALARI ..... 96-101

*Usmonov Farkhod Lapasovich*

PHILOSOPHICAL ANALYSIS FREEDOM OF INFORMATION ..... 102-109

*Atakulov Mavlonbek Saitkulovich*YOSHLARNI SOG'LOM MA'NAVIY MUHIT ASOSIDA TARBIYALASHDA  
FUQAROLIK MAS'ULIYATI O'RNI ..... 110-115**10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI***Amanov Abdijabbor Sattarovich*

O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA MURAKKAB SINTAKTIK TUZILMALAR TAHLILI ..... 116-121

*Xudoynazarova O'g'lonoy Allamurodovna*

DINIY BARQAROR BIRIKMALARNING STILISTIK XUSUSIYATLARI ..... 122-125

*Hayitova Shohida Erkin qizi*KONSEPT TUSHUNCHASINING TALQINI VA KONSEPTGA OID TADQIQOTLAR  
TASNIFI ..... 126-132*Qodirova Mukaddas Tog'ayevna*

TILSHUNOSLIKDA BIZNES DISKURS: TADQIQ, TASNIF VA TAHLIL ..... 133-138

*Aripova Aziza Xasanovna*

NUTQ MADANIYATI VA NUTQ ODOBI MASALALARINING TARIXIY TAKOMILI ..... 139-143

*Tillabayeva Zilola Raxmatillayevna*QARLUQ SHEVALARIDA TABU VA EVFEMIZMLAR QO'LLANILISHI YUZASIDAN  
MULOHAZALAR (SAMARQAND VILOYATI MISOLIDA) ..... 144-148*Axmedova Aziza Komilovna*

PSIXIATRIK BADIY TAHLIL ASOSLARI ..... 149-153

*Зокирова Шахзода Нодиржон қизи*

ТЕЛЕВИЗИОН НУТҚНИНГ РИТОРИК АСПЕКТИ ..... 154-158

*Yusupaliyeva Fazilat Yusupaliyevna*

METHODS IN TEACHING ENGLISH AND THEIR IMPORTANCE ..... 159-163

*Fayzullayeva Dilfuzaxon G'ulomjon qizi*

ADIB QALBIDAN: QAHRAMON RUHIYATIDA YOZUVCHINING IZI..... 164-169

*Negmatova Mumtozbeqim*

UZBEK TERMINOLOGY FOR BANKING SECTOR ..... 170-174

*Omondavlatova Latofat Ne'matulla qizi*O'TKIR HOSHIMOVNING "DAFTAR HOSHIYASIDAGI BITIKLAR" ASARIDA QO'LLANILGAN  
LINGVOMADANIY BIRLIKLER TAHLILI ..... 175-178**12.00.00 – YURIDIK FANLAR***Ismaylov Raxat Aminbayevich*NORMA IJODKORLIGI FAOLIYATINI RAQAMLASHTIRISHNING AYRIM NAZARIY-HUQUQIY  
MASALALARI ..... 179-183*Сеитниязов Камарбек Парахатович*ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ ТУШУНЧАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 184-191

*Нуруллаев Шохрух Шухратуллаевич*

ҚУРИЛИШДА АТРОФ-МУҲИТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ: ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА  
НАЗОРАТИ ..... 192-198

*Hamdamov Shahzod Maqsud o'g'li*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI TARAQQIYOTINING

HUQUQIY ASOSLARI ..... 199-210

*Шокиров Ойбек Азизжон ўғли*

ҚОНУНИЙЛИК НАЗАРИЙ ТУШУНЧАСИ ВА УНИ МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ  
ОРГАНЛАРИ ҚАРОРЛАРИДА ТАЪМИНЛАШНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ

АСОСЛАРИ ..... 211-218

### **13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI**

*Bozorova Muslima Qodirovna, Istamova Dilnoza Norboyevna*

RAQAMLI TA'LIM SHAROITIDA BO'LAJAK O'QITUVCHILARNI KASBIY FAOLIYAT UCHUN KO'P  
BOSQICHLI TAYYORLASH ASOSLARI ..... 219-222

*Rabbimova Nodira Tashtemirovna*

FROM SCALPEL TO BLACKBOARD: HOW MEDICAL TRAINING IS REVOLUTIONIZING

PEDAGOGICAL APPROACHES ..... 223-227

*Саидова Камола Усканбаевна*

КОМПАРАТИВНЫЙ АНАЛИЗ МЕТОДОВ ВОСПИТАНИЯ В ВОСТОЧНОЙ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ  
МЫСЛИ ..... 228-233

*Худойназарова Дилрабо Абдурашидовна*

БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРНИ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ

ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТИ ..... 234-239

*Гаффаров Азизжон Муҳаммадсаидович*

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ: МОҲИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ ..... 240-245

*Buronova Iroda*

UMUMIY O'RTA TA'LIM MUASSASALARI RAHBARLARIDA MEDIAKOMPITENTLIKNI

RIVOJLANTIRISHNING USLUBIY ASOSLARI ..... 246-250

*Matyakubova Feruza Egamovna*

ANATOMY OF LEARNING: BRIDGING THE GAP BETWEEN MEDICINE AND

MODERN EDUCATION ..... 251-254



**Received:** 10 September 2024  
**Accepted:** 15 September 2024  
**Published:** 25 September 2024

*Article / Original Paper*

## **LEGAL PROTECTION OF THE ENVIRONMENT IN CONSTRUCTION: STATE MANAGEMENT AND CONTROL**

**Nurullaev Shokhrukh Shukhratullaevich**

Tashkent State Law University, Phd student  
shokhrukhnurullayev@gmail.com

**Abstract.** This article analyzes the issues of legal regulation of legal protection of the environment in the field of construction. The rights and obligations of the subjects of construction activities regarding the observance of environmental protection, the tasks and functions of the competent state bodies that control the observance of environmental protection have been analyzed from a theoretical and legal point of view. Also, some theoretical and practical problems in this field, proposals for improving the legislation in order to improve the environmental legislation have been put forward. Also, the opinions and opinions of theoretical scientists and experienced practitioners were analyzed.

**Keywords:** construction activity, construction object, environmental protection, construction standards, green area, ecological situation, city planning standards.

## **ҚУРИЛИШДА АТРОФ-МУҲИТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ: ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА НАЗОРАТИ**

**Нуруллаев Шохрух Шухратуллаевич**

Тошкент давлат юридик университети таянч докторанти

**Аннотация.** Мазкур мақолада қурилиш соҳасида атроф-муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг норматив-ҳуқуқий тартибга солиш масалалари таҳлил қилинган қилинган. Қурилиш фаолиятини субъектлари томонидан атроф-муҳит муҳофазасига амал қилиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари, атроф-муҳит муҳофазасига амал қилинишини назорат қилувчи ваколатли давлат органларининг вазифа ва функциялари назарий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу соҳадаги айрим назарий ва амалий муаммолар, экология қонунчилигини такомиллаштириш мақсадида қонунчиликни такомиллаштиришга оид тақлифлар илгари сурилган. Шунингдек, назариётчи олимлар, тажрибали амалиётчи ходимларнинг фикр ва мулоҳазалари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** қурилиш фаолияти, қурилиш объекти, атроф-муҳит муҳофазаси, қурилиш нормалари, яшил ҳудуд, экологик вазият, шаҳарсозлик нормалари.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI7Y2024N29>

**Кириш.** Мамлакатимизда атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилиш чоратадбирлари бўйича амалга ошираётган ислохотларга қарамасдан экологик муносабатлар ҳали ҳамон табиат ва жамият учун номутаносиб даражада ривожланишни давом этмоқда. Бунга тўртта муҳим омил: иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг ошиши, инфратузилманинг янгиланиши, табиий ресурсларнинг тобора камайиб бораётганлиги сабаб бўлаётганлигидир.

**Тадқиқотнинг долзарблиги.** Ўзбекистонда қурилиш соҳаси миллий иқтисодийётнинг муҳим устувор тармоғи сифатида белгиланган бўлиб, сўнгги йилларда амалга оширилган жадал ислохотлар сабабли юқори ўсиш суръатларини намоён этмоқда [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 80-мақсади “Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш” деб номланган бўлиб, бунда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йил камида 200 миллион туп дарахт экиш. «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси ташаббусларига мос тарзда республиканинг 10 та ҳудудида аэробιологик мониторинг тизимини йўлга қўйиш, маиший чиқиндиларни йиғишни 100 фоизга, уларни қайта ишлаш даражасини 2026 йилга қадар 21 фоиздан 50 фоизга етказиш, республика бўйича 51 та ер усти табиий сув объектлари (дарёлар, кичик дарёлар ва табиий кўллар)нинг санитария-муҳофаза зоналари ва соҳил бўйи минтақаларини белгилаш ишларини якунлаш, Тошкент шаҳрини аҳолига қулай, экологик тоза ва яшаш учун барча имкониятлар мавжуд бўлган ҳудудга айлантириш, кўкаламзорлаштириш даражасини 30 фоизга етказиш, Орол денгизининг қуриган тубида қўшимча 500 минг гектар яшил майдонларни барпо этиб, 2026 йил якунига қадар уларнинг умумий ҳажмини 2,5 миллион гектарга ёки ҳудуднинг 78 фоизига етказиш, оролбўйида халқаро «Яшил иқлим» ва Глобал экологик жамғармаларнинг биохилма-хиллик, иқлим ўзгариши ва тупроқ емирилишининг олдини олишга қаратилган дастурлари асосида 300 миллион АҚШ доллари қийматидаги лойиҳаларни амалга ошириш, шаҳар ва туман марказларида ҳар 50 — 100 минг аҳоли учун «жамоат парклари»ни ташкил этиш ҳамда оролбўйи минтақасида яшовчи аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш [3] каби устувор вазифалар белгилаб берилган.

Табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади табиатдан фойдаланишнинг қонунчилик асосларига мос келадиган ва жамиятнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини ривожлантиришга ёрдам берадиган шундай ижтимоий ва ишлаб чиқариш муносабатлари тизимини яратишдир [4, 335-бет].

Дарҳақиқат, ижтимоий муносабатлар шаклланиши мавжуд ҳуқуқий механизмларнинг замонавий кўринишларини тақозо этади. Бугунги кунда сунъий интеллектнинг барча соҳаларни кун сайин қамраб олаётганлиги ҳам ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатаётганлигини пайқашимиз мумкин. Келажакда сунъий интеллект доираси экологик қонунчилигимизни ўзгаришига ҳам олиб келади.

Мамлакатимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган пировард мақсадни таъминловчи муҳим ҳуқуқий замин бўлиб, уни изчил такомиллаштириб бориш давлатимиз экологик сиёсатининг устувор йўналишларидан бирини ташкил этади [5].

Қурилиш соҳасида атроф-муҳитга зарар етказмаслик, табиат ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қурилишда экологиянинг асосий йўналишлари, экологик архитектура, шаҳарсозлик экологияси ва бошқа қоидаларга амал қилиш

ЛОЗИМ.

**Тадқиқот натижалари.** Қурилиш соҳаси мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг барқарор ўсишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган соҳалардан ҳисобланади [1]. Шунингдек, охириги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига ҳамда инвестиция муҳитини яхшилашга доир ислохотлар натижасида кенг қўламли қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Хусусан, республика бўйича 2000 йилда 388,4 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2021 йилда 107492,7 млрд сўмни ташкил қилган. Бундан кўринадики, 2000 йилга нисбатан 2021 йилда **107104, 3 млрд. сўмга ошган.**

Қурилиш соҳасида атроф табиий муҳит муҳофазасига амал қилиш зурур ҳисобланиб, тегишли тартибда ваколатли давлат органлари томонидан назорат қилинади. Бунда давлат бошқаруви орқали ушбу соҳадаги муносабатлар тартибга солинади.

Экология соҳасида давлат бошқаруви орқали давлат табиий ресурсларнинг мулкдори сифатида табиий ресурслардан фойдаланишни ташкил этиш мақсадида уларни тассарруф этиш ҳуқуқини амалга оширади. Давлат бошқарув органларининг ижроия фаолияти ушбу органларнинг ижроия ҳокимиятига тааллуқлилигидан келиб чиқиб, қонун ва вакиллик органларининг қарорларини амалга оширишга қаратилган [1].

**Тадқиқот натижалари таҳлили.** Қурилиш соҳасида атроф-муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилишда давлат бошқаруви ва назорати фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш қаратилган қонун ҳужжатлари Конституция, Қонун ҳамда қонуности ҳужжатлардан иборат бўлиб, белгиланган тартибда ҳуқуқий тартибга солинган. Мазкур соҳага оид муносабатларнинг бевосита қурилиш ҳамда экология соҳасига оид қонунчилик ҳужжатлари орқали тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади. Бундан кўринадики, мамлакатимизда давлат бошқаруви ҳокимиятларнинг бўлиниш принципи асосида амалга оширилади. Ҳар бир ҳокимият тизими ўз ваколатлари доирасида давлатнинг функцияларини амалга ошириб, Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида ўз фаолиятини амалга оширади.

Қурилиш соҳасида атроф-муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилишда давлат бошқаруви ва назоратни амалга оширишда ушбу юқоридаги ҳокимиятлар бўлиниши принципига кўра ҳар бир давлат органи ўз ваколатлари доирасида давлат бошқарувини амалга оширади.

Хусусан, қонун чиқарувчи орган қурилиш соҳасида атроф-муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳамда бу бўйича назорат қилишни амалга ошириш бўйича қонун ҳужжатларини қабул қилади.

Шунингдек, ижро этувчи ҳокимият эса, қурилиш соҳасида атроф-муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилишда давлат бошқаруви ва назоратни амалга ошириш бевосита амалга оширади.

Шу билан бирга, суд ҳокимияти ушбу соҳада юзага келган низоли ҳолатлар, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ҳуқуқий масалаларни, қонун устуворлигини, ижтимоий

адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш фаолиятини амалга оширади.

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг муҳим шартини ҳисобланган самарали фаолият юритувчи бошқарув тизимини шакллантириш бўйича кенг кўламли маъмурий ислохотлар амалга оширилди.

Жумладан, давлат органларининг соҳага оид бўлмаган вазифаларини қисқартириш ва фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали уларнинг тузилмаси ўртача 15 фоизга мақбуллаштирилди, шунингдек, 26 та давлат органлари ва ташкилотларида 40 та раҳбар ўринбосарлари лавозимлари қисқартирилди.

Давлат органлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш ҳисобидан бюрократик тўсиқларни қисқартириш ва аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш тизимини яхшилаш мақсадида 30 га яқин турдаги лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди, 70 дан зиёд давлат хизматлари соддалаштирилди, давлат ташкилотлари томонидан 60 дан ортиқ ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинди [10].

Экология соҳасидаги давлат бошқаруви умумий ва махсус ваколатли органлари томонидан амалга оширилади.

Хусусан, “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасига асосан, Вазирлар Маҳкамасининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қуйидаги ваколатларга эга:

- экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;
- фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш, экологик осойишталикни таъминлаш чораларини кўради;
- табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳамда табиатдан фойдаланишни тартибга солиш бўйича фаолиятни ташкил этади;
- табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш ҳамда республика ва халқаро аҳамиятга молик йирик экологик дастурларни рўёбга чиқаришга доир чора-тадбирларни амалга оширади;
- йирик авариялар ва ҳалокатларнинг, шунингдек табиий офатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш чораларини кўради.

Шу билан бирга, махсус ваколатли органларга Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳисобланиб, қуйидаги ваколатларга эга:

- экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни қайта тиклаш ва инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсирини олдини олиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;
- атроф муҳитнинг қулай экологик ҳолатини, экологик тизимлар, табиий комплекслар ва объектларнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш;
- чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат назоратини олиб бориш, маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш борасида давлат ва хусусий шерикчиликни фаол жалб қилган ҳолда тизимни ташкил этиш;
- атмосфера ҳавоси, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, ҳайвонот ва ўсимлик

дунёсини, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат экологик назоратини ўрнатиш;

- ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, улар турларининг хилма-хиллигини, табиий туркумлари яхлитлигини ва уларнинг яшаш муҳитини сақлаш, қайта тикланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

- экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш йўналишини «Коррупциясиз соҳа»га айлантириш, экологик тарбия, тарғибот ва таълим тизимини ташкил этиш, илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари фаолиятига кўмаклашиш;

- атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича профилактика ўтказиш;

- атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни таъминлаш, жамоатчилик назоратига услубий ёрдам кўрсатиш ва кўмаклашиш, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш [9].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-269-сон Фармони [10] га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ташкил этилган. Юқоридаги вазифа ва функциялар мазкур вазирлик ваколат доирасига киради.

Қурилиш соҳасида экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ваколатли давлат органлари томонидан доимий равишда назорат ҳамда мониторинг олиб борилмоқда.

2023 йил 16 февраль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан Табиат ресурслари ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирликларининг “Қурилиш объектларида дарахтлар кесилиш ҳолатларининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва мавжуд муаммолар тўғрисида”ги ахбороти эшитилиб, тақдим этилган маълумотларга кўра, дарахт ва буталарнинг ноқонуний кесилиши билан боғлиқ 2022 йил давомида 4599 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, уларга нисбатан 7,3 млрд. сўм маъмурий жарима ва 10 млрд. сўм табиатга зарар белгиланган. Шу жумладан, ўтган йилда жами 1777 туп қимматбаҳо ва кўп йиллик дарахтлар кесилган. Вазият таҳлил этилганда, қурилиш объектлари атрофини ўраб олиш натижасида дарахтларнинг қаровсиз қолиши, шикастланиши ва нобуд бўлиш ҳолатлари содир этилаётганлиги аниқланган.

Бундан ташқари, “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасида давлат экологик экспертизаси объектлари қаторига барча турдаги қурилишлар учун ер участкаларини ажратиш материаллари ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатларининг барча турлари киритилган. Бироқ, масъуллар томонидан Тошкент шаҳридаги қурилиш объектлари хатлов қилинганида ер ажратиш билан боғлиқ 2019 йилда 235 та, 2020 йилда 89 та ва 2021 йилда 99 та объектга ўрганилмасдан ва давлат экологик

экспертизасининг хулосаси олинмасдан қурилишга ер ажратиб берилганлиги ва қурилиш лойиҳалари ишлаб чиқилганлиги аниқланган.

Шунингдек, 2022 йилда Тошкент шаҳрининг 11 та туманидаги 332 та хўжалик юритувчи субъект ҳудудлари ўрганилиши натижасида умумий 21031 дон турли хилдаги дарахтлар хатловдан ўтказилган, уларнинг 17767 донаси манзарали, 2599 таси мевали дарахтлар бўлиб, уларнинг 103 таси қуриб қолганлиги ва 20 таси турли хил касалланганлиги маълум бўлган.

Қайд этилганидек, республика бўйича 500 дан зиёд қурилиш объектлари атрофи ўраб олинган бўлиб, уларда 24 мингга яқин дарахтлар тақдири ҳафв остида қолмоқда. Афсуски, бир қатор қурилиш объектларида дарахтларни кесиб ташлаш ҳолатлари содир этилган [11].

Ушбу ҳолатлардан кўринадики, қурилиш соҳасида экология ва атроф табиий муҳитга зарар етказмасдан мавжуд қонун ҳужжатларига амал қилиниши лозим. Бунда ваколатли давлат органлари томонидан доимий равишда назоратни амалга ошириш зарур ҳисобланади.

Бундан ташқари қурилиш соҳасида экология ва атроф табиий муҳитга зарар етказмаслик юзасидан жамоатчилик назоратини ҳам яна кучайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Хулосалар.** Юқоридагиларга асосланиб хулоса қиладиган бўлсак, қурилиш соҳасида атроф-муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилишда давлат бошқаруви ва назорати фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш қаратилган қонун ҳужжатлари орқали ушбу соҳага оид ижтимоий муносабатларни, ваколатли давлат органлари, экология, қурилиш фаолияти соҳасига оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Мазкур соҳага оид қонунчилик бевосита қонун ҳамда қонуности ҳужжатлардан иборат бўлиб, умумий ва махсус ваколатли давлат органлари вазифа ва функцияларини белгилаб беради.

**Таклифлар.** Юқоридаги фикр ва муҳоҳазаларга асосланиб, қуйидагилар таклиф қилинади:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 апрелдаги “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига қурилиш объектларига дарахтлар кесилишининг олдини олишга қаратилган тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

иккинчидан, қурилиш объектларининг атрофни ўраш тартибини қонунчилик ҳужжатларида аниқ белгилаш, республикадаги давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтларни тўлиқ рақамлаштириш йўли билан хатловдан ўтказиш тартибини жорий этиш;

учинчидан, қурилиш соҳасида атроф-муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилишда давлат органлари томонидан оммавий ахборот воситалари орқали келган мурожаатларни тезкорлик билан аниқлаш ва доимий равишда алоқа ўрнатиш;

тўртинчидан, қурилиш соҳасида атроф-муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларнинг жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирларини кўриш;

бешинчидан, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тўғрисидаги низомни қабул қилиш.

**Адабиётлар/Литература/References:**

1. Экология ҳуқуқи: Дарслик. Масъул мушаррир: М.Б. Усмонов/. - Т.: ТДУИ нашриёти, 2006. – 361 бет. Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти.
2. Фурқат Юнусов, «Тараққиёт стратегияси» маркази бўлим бошлиғи “Ўзбекистонда қурилиш соҳаси: ислохотлар, режалар ва натижалар қандай?”. <https://strategy.uz/index.php?news=1477>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. //Тошкент ш., 2022 йил 28 январь, ПФ-60-сон. <https://old.lex.uz/docs/5841063>
4. Экологическое право: учеб. пособие для студ. учреждений высшего проф. образования / О.Р.Саркисов, Е.Л. Любарский. -5-е изд. переработанное и доп – Казань: Центр инновационных технологий, 2014. – 335 с.
5. “Ўзбекистон Республикасида экологик қонунчиликни тизимлаштириш ва кодификациялаш масалалари”. Д.И.Сафаров. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент – 2011.
6. <https://review.uz/oz/post/qurilish-sohasida-amalga-oshirilgan-ishlar-va-kelgusi-rejalar>
7. <https://review.uz/oz/post/qurilish-sohasida-amalga-oshirilgan-ishlar-va-kelgusi-rejalar>
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-269-сон Фармони. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.12.2022 й., 06/22/269/1117-сон; 24.04.2023 й., 06/23/59/0223-сон; 19.05.2023 й., 06/23/72/0283-сон; 02.06.2023 й., 06/23/81/0320-сон) <https://old.lex.uz/docs/6324756>
9. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 январдаги 29-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низом. <https://old.lex.uz/docs/4160321#4166583>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-269-сон Фармони. <https://old.lex.uz/docs/6324756>
11. <https://parliament.gov.uz/oz/news/daraxt-va-butalarning-noqonuniy-kesilishi-bilan-bogliq-4599-ta-huquqbuzarlik-holati-aniqlangan>

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ S/7 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари** электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).